

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30 12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЯКУБОВА ОЛТИНОЙ АБДУГАНИЕВНА

**ЮВЕНИЛ ДИСМЕНОРЕЯНИ АНИҚЛАШНИ
МУКАММАЛЛАШТИРИШ ВА ДАВОЛАШГА ТАҚҚОСЛАМА
ЁНДАШИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори(DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавлениеавторефератадокторской(DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Якубова Олтиной Абдуганиевна

Ювенил дисменореяни аниқлашни мукаммаллаштириш ва даволашга
таққослама ёндашиш 3

Якубова Олтиной Абдуганиевна

Совершенствование диагностики и дифференцированные подходы к
лечению ювенильной дисменореи..... 26

Yakubova Oltinoy Abduganievna

Perfection of diagnostics and the differentiated approaches to treatment by
juvenile dysmenorrheal 48

Эълон қилинган ишлар руйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 52

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30 12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЯКУБОВА ОЛТИНОЙ АБДУГАНИЕВНА

**ЮВЕНИЛ ДИСМЕНОРЕЯНИ АНИҚЛАШНИ
МУКАММАЛЛАШТИРИШ ВА ДАВОЛАШГА ТАҚҚОСЛАМА
ЁНДАШИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.3.DSc/Tib185 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифаси (www.tashpmi.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Аюпова Фарида Мирзаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Курбанов Джахангир Джамалович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алиева Дилфуза Абдуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Каримова Феруза Джавдатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Н.И.Пирогов номли Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30 12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» ____ кунини соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871)-2623314; e-mail: mail@tashpmi.uz)

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ -сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871)-2623314.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» ____ кунини тарқатилди.

(2020 йил «__» ____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).



А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э.А. Шамансурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда қизлар ва ўсмир-қизлар ҳаёт тарзининг ёмонлашишига сабаб бўлувчи омиллардан бири – ҳайз кўриш давридаги оғриқ синдроми етакчи ўринларидан бирини эгаллаб келмоқда. Ювенил дисменорея - чанок касалликлари йўқ 18 ёшгача бўлган қизларда кузатиладиган оғриқли ҳайз бўлиб, ёши ҳамда миллатидан қатъий назар кўпинча ҳолдан тойдирадиган жараён саналмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «ўсмир – қизларнинг гинекологик касалликларида ҳайз кўриш давридаги оғриқ сезиш даражаси юқори бўлиб, 15% қизларда ҳайз даври қийин кечмоқда»¹. Қизлардаги бирламчи дисменорея кўпинча вақтида аниқланмаганлиги сабабли баъзан тиббиёт ходимлари, қизлар ва уларнинг оналари томонидан эътибордан четда қолмоқда ва улар оғриқли ҳайзни ҳайз циклининг нормал ҳолатидек қабул қилмоқда.

Жаҳон миқёсида бугунги кунда қизларда бирламчи дисменореядаги ўзгаришларни ўрганилиши бўйича қатор илмий ишлар натижалари олинганига қарамай, гомеостаз ва репродуктив тизим фаолиятини тартибга солишни қўллаб-қувватловчи фундаментал механизмлардан бири бу гормонал метаболизм ва бириктирувчи тўқима ҳолати. Патологик жараён ўсаётган аёл организмида содир бўлганда бириктирувчи тўқимадан дисплазия кўринишда тўқима ва аъзоларнинг патологик ҳолатлари шаклланади. Бириктирувчи тўқиманинг мукаммаллашмаган дисплазияси билан ифодаланган турли кўринишдаги клиник мезонлар кўриб чиқилган, лекин бириктирувчи тўқима метаболизми хусусиятлари ҳозиргача тўлиқ ўрганилмаган ва унинг қизлардаги бирламчи оғриқли ҳайзни аниқлаш бизга ювенил дисменорея патогенезини чуқурроқ англашга, янги терапевтик ҳамда профилактик ёндашувларни яратишга имкон беради.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси турли қатламлари орасида бириктирувчи тўқима метаболизми хусусиятларини ўрганиш ва ҳайз даврининг илк босқичларида унинг бузилишларини аниқлаш, кўплаб ўсмир-қизлардаги сурункали ҳолатларнинг ривожланиши ҳамда шаклланишининг олдини олишга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларда «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғини тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислох

¹ Vazques – Gabrera J. And Vazques J. C. Методы лечения хронической боли в области малого таза у женщин: Комментарий БРЗ (последняя редакция: 13 марта 2016 г.) Библиотека репродуктивного здоровья ВОЗ; Женева: Всемирная Организация Здравоохранения. www.who.int/reproductivehealth/

қилиш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофазақилиш...»²га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, қизлардаги бирламчи оғриқли ҳайзни аниқлаш, ювенил дисменорея патогенезини мукамал тушуниш ва янги даволаш усуллари ҳамда профилактик ёндашувларни яратиш, асоратларини камайитириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПҚ-4055-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сонли «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси» Қарори ҳамда 2020 йил 8 январдаги ПҚ-4565-сонли «2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ ДИТД – 9 «Инсон касалликлари профилактикаси, ташҳиси, даволаш ва реабилитациясининг янги технологияларини ишлаб чиқиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Бирламчи дисменорея ривожланишида этиопатогенез механизмларини ўрганиш юзасидан илмий изланишлар жаҳоннинг қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Stanford University School of Medicine (Калифорния), Columbia University (АҚШ), New York University of Michigan Medical School (АҚШ), Oxford University USA Institute of East West Medicine, New York (АҚШ), Obstetrics and Gynecology Hospital (Испания), The University of Queensland (Австралия), Mutah University Karaka (Иордания), The Saul National University Bonding Korea (Корея), University Autonomy de Estado de Hidalgo (Мексика), The Medicine University, Osaka-Sayama (Япония), the University of Neapolitan (Италия), The University of Shiraz (Эрон), Россия тиббиёт Академияси, Тошкент тиббиёт академиясида (Ўзбекистон) илмий

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.ubc.ca, www.cmm.zju.edu.cn, www.sggw.pl, www.uc.edu, www.med.stanford.edu, www.meded.hms.harvard.edu, www.uni-corvinus.hu, www.sfu.ca, www.en.jbnu.ac.kr, www.unina.it, www.edu.unideb.hu, www.universiteitleiden.nl, www.tau.ac.il, www.ufsc.br, www.gpma.ru, www.ottawahospital.on.ca, www.uottawa.ca, www.unsw.edu.au, www.aichi-med-u.ac.jp, www.tta.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда бирламчи дисменорея патогенези ўрганилиб қатор, жумладан, қуйидаги илмий ва амалий натижалар олинган: бачадонда простагландинларнинг ҳаддан ташқари кўп ишлаб чиқарилиши бачадоннинг оғриқли қисқаришига, шунингдек, кўнгил айниш, қусиш каби дисменореяда кузатиладиган тизимли белгиларнинг пайдо бўлишига олиб келиши исботланган (The University School of Medicine (Скандинавия)); дисменореяни даволаш учун ностероидли яллиғланишга қарши воситаларнинг (НЯҚВ) простагландинлар таъсирини қайтариш мақсадида ишлатилиши қайталанувчи ҳайз оғриғидан фориғ бўлиши, НЯҚВ таъсирига жавобсиз ёки уларни қабул қила олмайдиган мижозларда, орал контрацептивлар, кўпинча даволашнинг иккинчи усули сифатида ишлатилиши кўрсатилган (University Autynoma de Estado de Idalgo (Мексика); Stanford University School of Medicine (Калифорния)); қизлардаги бирламчи оғриқли ҳайзни аниқлаш, эрта ташхислаш ва замонавий даволаш усуллари ишлаб чиқилган (Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида ушбу нозология сабабини аниқлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, қизлардаги бирламчи оғриқли ҳайзни аниқлаш, ювенил дисменорея патогенезини мукамал тушуниш бўйича қатор текширувлар амалга оширилмоқда, жумладан, қизларнинг ҳаёт сифатини яхшилайдиган профилактика тадбирларининг самарадорлигини ошириш; диагностика усуллари ва янги патогенетик асосланган даволашни ишлаб чиқиш, шунингдек асоратларни камайтириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. МДХ давлатларида, хусусан, Марказий Осиё ҳудудларида бирламчи дисменореянинг тарқалиши, мазкур патологиянинг асосий сабаби бўлиб, антенатал, болалик ва ўсмирлик даврларида таъсир қилувчи кўп сонли ноҳуш омилларнинг келиб чиқиши муаммонинг долзарблигидан далолат беради (Межевитинова Е. А. ва ҳаммуал., 2017). Дисменореяни ўрганиш бўйича кўп сонли тадқиқотлар ўтказилганлигига қарамай, бирламчи дисменореянинг турли мамлакатларда тарқалиш кўрсаткичи, айниқса, Скандинавия, Янги Зеландия, Жанубий Африкада юқори даражада қолмоқда (Laufer M. R., 2007; Proctor M.A., 2014; Iacovides S.O et al., 2015). Ҳозирги кунда дисменореянинг ривожланишига таъсир қилувчи қатор хавф омиллари аниқланган бўлсада, тадқиқотчилар ўзаро бир тўхтамга кела олмаган, атроф - муҳит хавф омиллари ва шу қаторда бирламчи дисменорея ривожланишидаги генетик омилларни чуқурроқ тушуниш учун қарама қарши натижаларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқотларни давом этиш зарур (Kang D.H., 2014; Ju H et al., 2014).

Дунёнинг турли мамлакатларида ювенил дисменореянинг тарқалганлигини ўрганиш бўйича кўп микдордаги тадқиқотларнинг олиб борилишига қарамай, республикамизда бу муаммони ўрганишга фақат бир неча тадқиқотлар бағишланган бўлиб (Аюпова Ф.М., 1997; Каримова Ф.Д., 2011), мазкур тадқиқотлар қизлардаги бирламчи дисменореяни аниқлаш ва

даволаш зарурлигини талаб қилади. Ҳозирда этиопатогенез, тасниф ва даволашга тўғри ёндашув баҳс-мунозаралигича қоляпти. Қизларда мукамаллашмаган бириктирувчи тўқима дисплазия шакли билан бирламчи дисменореянинг кечиш хусусиятларини ўрганилган (Гуменюк О. И., 2015; Моцная О.В. ва ҳаммуалл., 2013). Магний миқдорли ўзаро боғланган бириктирувчи тўқима мезонлари билан ҳомиладор аёллар сийдигида оксипролин коллагеннинг парчаланишида биокимёвий маркерни аниқлаш йўли билан бириктирувчи тўқима ҳолатини баҳоланган (Ожогина Е.В., 2013; Лукина Т. С. ва ҳаммуалл., 2015). Шундай экан, бирламчи дисменореяли қизларда магний миқдориға боғлиқ бириктирувчи тўқиманинг ҳолати тўғрисида маълумотга эга бўлмадик.

Юқорида кўрсатилган фактлар шуни кўрсатади-ки, гипомагниемия ва бириктирувчи тўқима дисплазиясига боғлиқ ювенил дисменореянинг шаклланишида хавф омилларининг аҳамияти тўлиқ ўрганилмаган. Ювенил дисменорея патогенезига оид бириктирувчи тўқима билан боғлиқ магний, прогестерон танқислиги, вегетатив асаб тизимидаги муаммолар ўз ечимини ҳозиргача топгани йўқ ва уни даволаш самарадорлигини ошириш ўсмирлар гинекологиясининг энг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01.970005260 «Аёллар репродуктив саломатлигининг тиббий ва ижтимоий муаммолари» илмий тадқиқот лойихаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ювенил дисменорея ташҳисини амалга ошириш ва даволашга таққослама ёндашиш алгоритминини ишлаб чиқишни инobatга олган ҳолда касаллик патогенезининг ривожланишини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

саволнома ёрдамида қизларда оғриқли ҳайзнинг учраш даражаси ва ювенил дисменорея ривожланишида бириктирувчи тўқима дисплазияси аҳамиятини баҳолаш;

қизларда ювенил дисменорея ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш;

дисменореяли қизларда жинсий стероидлар рецепторларининг бир аллелли генлар полиморфизми текшируви асосида эндометрий регуляциясини ва ангиогенез бошқарувини молекуляр-генетик механизмлар бузилишидаги ролини аниқлаш;

дисменореяли қизларда миёда қон айланишининг бузилиш хусусиятларини магний миқдориға ва дисменореянинг оғирлик даражаси боғлиқлигини аниқлаш;

қон зардобиди магний миқдори ва дисменореянинг оғирлик даражасига боғлиқ эстрадиол ҳамда прогестероннинг ўзаро муносабатининг ўзгариш

хусусиятларини ҳисоблаш, гормонлар даражасини аниқлаш ва 3 турдаги гормонал бузилишнинг учраш тезлигини аниқлаш;

қон зардобида магний миқдори билан ўзаро боғлиқ дисменорея даражасидаги қизларнинг руҳий ҳолати ва бириктирувчи тўқима ҳолатини баҳолаш;

дисменореяли қизларда аниқланган янги патогенетик механизмларни инобатга олган ҳолда, даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт марказининг гинекология бўлимига илк бор мурожаат қилган бирламчи дисменореяли 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган 174 қизлар бириктирувчи тўқима дисплазия мезонлари билан, 56 нафар – бириктирувчи тўқима дисплазия мезонларисиз ва 50 нафар соғлом қизлар танланди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ювенил дисменорея касаллигидан азият чекаётган қизлар сийдиги ва қон зардобининг клиник кўринишлари ҳисобланди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, гинекологик, генетик, қоннинг биокимёвий таҳлили, сийдик, қин ажралмаларини лаборатор текшируви, ўн балли визуал-аналог шкаласи бўйича оғриқни ҳис қилишни баҳолаш, Кордо вегетатив индексини ҳисоблаш, БДТ белгиларини аниқлаш, реоэнцефалография ва статистик усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор тиббий кўрик натижасида гинекологик патологияси бўлган қизларда БТД белгиларини ҳисобга олган ҳолда ЮД учраш частотаси, прогностик ва клиник-диагностик аҳамияти аниқланган;

ЮДнинг ривожланишига боғлиқ ҳамда жинсий гормонлар метаболизмида иштирок этувчи ESR1 G2014A генининг аллель вариантининг тақсимланиши ювенил дисменореяли БТД бор қизларда (А) мутантли аллельни ва АА-аллелли гомозигот генотип учраши аниқланган;

илк бор ўзбек миллатига мансуб шахсларда ЮДли БТД бор қизларда шаклланиш ҳавфи ва клиник кечиши унинг бошқарувчи эстроген рецепторлари генининг (алфа (rs2228480 да аденин учун гуаниннинг бир нуклеотиди алмашинуви) полиморфизми билан боғлиқлиги исботланган;

илк бор ўзбек популяциясида БТД бор қизларда I-типдаги коллаген ген полиморфизми (гуаниннинг rs1800012 да тимин билан битта нуклеотид алмашинуви) пайдо бўлиши ЮДнинг ривожланишида мойил омил эканлиги аниқланган;

ЮДли мижозларда юпқа эндометрий шаклланишининг генлар аро уюшмалар (NOS3 786 T>C, ESR1 397T>C) орқали генлар тармоғини ташкил этадиган молекуляр-генетик башорат қилувчилар роли исботланган;

ЮДдаги вегетатив асаб тизими ҳолати, руҳий аҳволи, бош мия қон томирларининг ҳолати бириктирувчи тўқима ҳолатига, дисменореянинг даражаларига ҳамда гипомагнемияга алоқадорлиги аниқланган;

оғриқ синдроми кучайишида БТДнинг роли, унинг дисменорея оғирлик даражаларига ва қон зардобидаги магний миқдorigа боғлиқлиги аниқланган;

ЮД да БТД бор ўсмир қизларни олиб бориш ва уларни даволаш алгоритми ишлаб чиқилган, терапиянинг ҳар ҳил турларига индивидуал ёндашув самардорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалариқуйидагилардан иборат:

ЮД генезидаги гипомагнемия билан бириктирувчи тўқима дисплазиясининг ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

ЮДда даволашнинг қўлланилган варианты самардорлигининг қиёсий баҳоланиши аниқ клиник ҳолатга боғлиқ даволаш усуллари танлаш ишлаб чиқилган;

Қизларда ишлаб чиқилган ЮДни даволаш ва патогенетик асосланган ташхислаш алгоритми касалликнинг оғирлик даражаси, БТД мезонларининг мавжудлиги ва НЯҚВ қўлланиши билан гипомагнемия ўсмирларда бириктирувчи тўқималарнинг кейинги парчаланишини ривожланишининг олдини олади ҳамда дистормонемиянинг илк босқичларида ривожланишдан огоҳлантирилиши ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, ЮДли қизларнинг сони етарли эканлиги, шунингдек, биокимёвий, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги ҳамда тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, ҳулоса олинган натижаларнинг ваколатли тузулмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ювенил дисменореяли қизларда бириктирувчи тўқима дисплазия ҳолати, гипомагнемия гормонал статусига асосланган ҳолда касаллик ривожланиш патогенезининг замонавий схемаси изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ЮДнинг ривожланишида хавф омилларини баҳолаш орқали БТД мезонларини аниқлаш, даволаш усулини танлашда касалликни оғирлик даражаси эътиборга олинган ҳолда изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ЮДни аниқлашни мукаммаллаштириш ва даволашга таққослама ёндашиш бўйича олинган натижалар асосида:

«Ювенил дисменореянинг диагностикаси ва даволаш алгоритми» мавзусидаги услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 январдаги 8-н-р/36-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома қиз болаларда ювенил дисменореяни эрта ташхислаш, клиник кечишини аниқлаш, лаборатор ташхислаш ва даволашнинг оптимал вариантини танлаш имконини берган;

Ювенил дисменореянинг клиник кўринишлари, ташхислаш усуллари ва олдиндан аниқлаш чора-тадбирлари бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Андижон вилояти Перинатал маркази, шаҳар туғруқ комплекси, кўп тармоқли вилоят болалар тиббиёт марказининг

гинекология бўлими, Андижон давлат тиббиёт институтининг акушерлик ва гинекология кафедраларида, шунингдек, Фарғона вилояти ўсмирлар диспансерида клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 29 сентябрдаги 8н-д/53-сон ва 2020 йил 29 январдаги 8н-р/36 маълумотномаси).

Амалиётга жорий этилган натижалар ювенил дисменорея билан касалланган беморларни даволаш ва ташхислаш сифатини яхшилаш, ҳамда асоратларини олдини олиш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3та халқаро, 4-та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамалардан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 23 та мақола, жумладан 16 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертация ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 187 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи **«Ювенил дисменорея, этиопатогенез, ривожланиш хавф омиллари, клиникаси ва даволаш усуллари»** деб номланган бобида диссертация тадқиқотининг ювенил дисменорея ривожланиш хавф омиллари ва этиопатогенез хусусиятларига қаратилган назарий аспектлар ҳамда тадқиқотнинг тизимлаштирилганлиги таҳлил қилинган. Ювенил дисменорея, замонавий даволаш концепцияси, ювенил дисменореянинг олдини олишда гормонал ва минерал гомеостаз ўзгаришининг ўзаро боғлиқлиги, шунингдек, мазкур муаммонинг ҳал қилинмаган ҳамда ҳал қилиниши керак бўлган аспекти аниқланган.

Диссертациянинг **«Текширувдан ўтказилган қизларнинг клиник тавсифи. Тадқиқотнинг материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материалининг умумий тавсифи ва қўлланилган генетик ва

биокимёвий усулларни ўз ичига олган тадқиқотнинг материал ва усуллари ёритилган.

Диссертация 230 нафар қизлар ҳайз даврининг оғриқли кечишини текшириш натижалари таҳлилига асосланади. Тадқиқотлар 3 босқичда ўтказилган: 1 босқичда — 230 нафар қизлар ва уларнинг оналари томонидан тўлдирилган саволнома (анкеталар) орқали хавф омилларини аниқлаш; 2 босқичда — 230 нафар қизларда тадқиқотнинг клиник текширувлари ўтказилган ва 3 босқичда — 220 нафар қизларнинг оғриқли ҳайз даври турли усуллар ёрдамида даволаш самарадорлиги баҳоланди; назорат гуруҳида 50 нафар соғлом нормал ҳайзли қизлар кузатилди. Тадқиқотнинг мақсадли ўтказилиши учун қизлар ва оналарининг анамнез маълумотлари ҳамда текширувнинг ҳолис ёки махсус усуллари ҳисобга олинган текширув картаси тузилди. Андижон вилоятининг турли туманларида 864 нафар қизлар профилактик кўрувдан ўтказилганда, ювенил дисменореянинг учраш тезлиги 42,8% ни ташкил қилди. Асосий гуруҳ Э. Делигеороглу и Д. И. Арвантинос (1996) ҳамда мослаштирилган визуал-аналогли оғриқни баҳолаш шкаласи ёрдамида баҳоланиб, дисменореянинг оғирлик даражасига қараб, оғриқ синдромининг кучлилиги бўйича 3 гуруҳга бўлинди. 5 баллгача бўлган оғриқ синдроми енгил даражали, 7 баллгача ўрта оғир даражали ва 7 баллдан юқори бўлганда оғир даражали дисменорея деб баҳоланган.

Бириктирувчи тўқима дисплазияси мезонлари аниқланган ювенил дисменореяли қизлар қуйидаги параметрлар бўйича текширувдан ўтказилган:

1) беморнинг умумий аҳволи, ирсияти, аллергоанамнези, бошидан кечирган касалликлари ҳақидаги клиник интервью.

2) бемор бўйи (см) ва тана вазнини ўлчаш; Варги индекси бўйича бўй-ваззли индекси: $ВИ = (\text{грамм ҳисобида тана вазни} / \text{бўй см}^2) - (\text{ёши} / 100)$ ўз ичига олувчи физикал текширув.

3) Ташқи кўрувда бириктирувчи тўқима дисплазияси мезонлари даражаси аниқланди (Кадурина Т.И. балли шкаласи (2008)). Текширилганларга терапевт, окулист, отоларинголог, стоматолог, гематолог каби мутахассислар томонидан керакли маслаҳатлар берилди.

Асосий гуруҳда текширилганларда вегетатив асаб тизими турини аниқлаш мақсадида Кордо формуласи бўйича вегетатив индекс аниқланди (Вейн А. А. 2003).

Кичик чанок аъзолари патологияси (яллиғланиш жараёни, бачадон ривожланиши нуқсонлари, эндометриоз) билан боғлиқ иккиламчи дисменореядан истисно учун барча ювенил дисменореяли қизларда 1993 йилда Токиода ишлаб чиқилган EUB – 515- А «Hitachi» (стационар шароитда) сканер аппарати билан ультратовуш текшируви ўтказилди.

Бош мия қон томирлари ҳолатини баҳолаш мақсадида ҳайз олди кунлари, ҳайз циклининг 25-28 кунлари, оғриқдан ташқари кунлари, оғриқли ҳайз пайтида «Реограф Р4 - 0,2» (СССР, Москва тиббий аппаратуралари заводи, 1988й.) аппарати ёрдамида реоэнцефалография (РЭГ) ўтказилди. Бош мия

ярим шарларининг вертебробазиллар ва церебрал қон томирлари тонуси рўйхатдан ўтказилди.

Генетик текширувлар ЎЗР.ФА Иммунология ва инсон геномикаси илмий-текшириш институтининг лабораториясида олиб борилди.

Тадқиқотнинг биокимёвий текширув усуллари Тошкент тиббиёт академиясининг молекуляр – хужайрали технологиялар ва экспериментал терапия Марказий Илмий текширув лабораториясида ўтказилди (мудир, катта илмий ходим Комарин А. С.). Маълумотларни статистик таҳлил қилиш учун STATISTICA-6.0 статистик дастурлардан фойдаланилди.

Диссертациянинг **“Ювенил дисменорея хавф омиллари, клиник тавсифи ва мия қон айланиши хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида ювенил дисменореяли қизларда бириктирувчи тўқима дисплазияси мезонларининг аниқланганлиги алоҳида белгилар бўйича таҳлил қилинди. Хавф омиллари барча зарур маълумотлар: паспорт, анамнез, текширилаётган пайтдаги ижтимоий - иқтисодий турмуш тарзи, жисмоний ривожланиши, онасининг репродуктив фаолияти, унда сурункали касалликларнинг мавжудлиги, ҳомиладорликнинг кечиши ва шу қиз туғилган туғриқ ҳолати, унинг биринчи йиллардаги ривожланишини ҳисобга олувчи алоҳида махсус ишлаб чиқилган карта –анкета бўйича аниқланди.

Шунингдек, картада БТД мезонлари ва оғриқнинг визуал - аналогли шкаласи акс этган. Биринчи босқичда ювенил дисменореянинг ривожланишида муҳим хавф омилларини аниқлаш мақсадида қизлар ва уларнинг оналари томонидан тўлдирилган 230 та анкета таҳлил қилинди. Ижтимоий - иқтисодий турмуш тарзи таҳлил қилинганда, бирламчи дисменорея шаклланишида ўсмир қизлар ҳаёт шароитининг қониқарсизлиги ($RR=1,5$; $P<0,05$) ва моддий ойлик даромаднинг ҳар бир киши учун яшаш минимумидан пастлиги ($RR=6,90$; $P<0,001$); оиладаги ноҳуш шароит ($RR=2,44$; $P<0,001$) ҳисобланди. Она томонидан қизларда ювенил дисменореяни чақирувчи қатор хавф омиллари эътироф этилган бўлиб, улар қуйидагилардир: шу фарзанд туғилишида онанинг ёши 30 ёш дан ошганлиги ($RR=2,09$; $P<0,001$); ўрта маълумотли бўлиши ($RR=8,75$; $P<0,001$); ирсий мойиллиги ($RR=2,97$; $P<0,01$); ҳомиладорликдан аввал ва ҳомиладорлик пайтидаги сийдик йўллари инфекцияси мавжудлиги ($RR=6,67$; $P<0,001$); ҳомиладорликнинг кечишида ($RR=20,0$, $P<0,001$) ва туғруқдаги асоратлар ($RR=5$; $P<0,01$). Қиз бола томонидан дисменореянинг шаклланишига олиб келувчи омиллар: туғилганда тана вазнининг кичиклиги (3000 г дан кам) ($RR=10,21$; $P<0,001$); бошидан кечирган инфекциялар ва сурункали инфекция ўчоғларининг мавжудлиги ($RR=6,43$; $P<0,001$); менархенинг кечикиши ($RR=8,15$; $P<0,01$); кўшимча ақлий ва руҳий зўриқишлар ($RR=9,70$; $P<0,01$) ҳисбланади. Ювенил дисменорея ривожланишида БТД белгиларининг мавжудлиги муҳим роль ўйнайди. БТД белгилари: аллергия реакцияларга ($RR=14,46$; $P<0,001$), терида кўкаришлар ҳосил бўлишига ($RR=11,61$; $P<0,001$) ва вегето-қон томир дисфункцияларга мойиллик ($RR=11,675$; $P<0,001$), тана вазнининг етишмаслиги ($RR=9,11$; $P<0,001$), бўғинлар гипермобиллиги

(RR=9,11; P<0,001), миопия (RR=4,52; P<0,01) ҳамда ошқозон ичак трактининг эвакуатор функциясининг бузилиши (RR=4,88; P<0,01). БТД бўлган қизларда ЮД 48,6% ўрта оғир ва 19,6% оғир даражада, БТД мавжуд бўлмаган қизларда эса ЮД 4,3% енгил даража, 10,4% ўрта оғир, 9,5% оғир даражада устунлик қилган.

Текширилган ювенил дисменореяли қизларнинг умумий сонини дисменореянинг компенсациялашган тури билан касалланган қизлар кўпчиликини ташкил қилишига қарамай, оғир дисменореяли қизлар орасида БТД мавжуд бўлган ва дисменореянинг компенсацияланмаган шакли билан касалланган қизлар сони кўпчиликини ташкил қилади.

Ювенил дисменореяли қизларда вегетатив асаб тизими текшируви 21,3% қизларда эйтония, 50,4% қизларда юрак-қон томир тизимига нисбатан симпатик таъсир, 32,6% қизларда юрак-қон томир тизимига парасимпатик тонуснинг ортиқлигини аниқлади. Шу билан бирга БТД белгиларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги билан боғлиқ вегетатив асаб тизими таҳлили сезиларли фарқни кўрсатди. БТД бўлганда симпатикотониклар учраш тезлиги 1,64 марта ошиши, эйтоник ва ваготониклар сони эса, БТД белгилари йўқ қизлар гуруҳи кўрсаткичига мос ҳолда нисбатан 1,81 ва 1,28 баробар камайгани аниқланган. Шубҳасиз, БТД ва ювенил дисменореяли қизлар юрак қон-томир тизимига симпатик таъсирнинг устунлиги ювенил дисменореянинг клиник кечишида маълум асорат (из) қолдиради. БТД белгилари мавжуд қизларда вегетатив асаб тизими томонидан аниқланган неврологик симптоматика кўпинча ва асосан, парасимпатик ҳамда симпатик турига тааллуқли эканлиги аниқланган. БТД белгилари билан ювенил дисменореяли беморларнинг парасимпатик тури бўйича вегетатив симптоматика дим хоналарда талваса ва ҳушидан кетиш кўринишда 4,14, 4,15 марта аниқланган; БТД белгиларисиз ювенил дисменореяли қизларга нисбатан шишиш, аллергия реакция, тана ҳароратнинг пасайиши ҳамда артериал босимнинг тушиши 2,62; 2,57; 2,58 баробар кўпроқ кузатилган. Текширилганларнинг кўпчилигида БТД белгиларисиз беморлар гуруҳига нисбатан юқорида санаб ўтилган белгилар 1,81 баробар кўплиги аниқланган.

Генетик тадқиқот таҳлили шуни кўрсатди-ки, ESR1 G2014A генининг аллель вариантынинг тақсимланиши ювенил дисменореяли БТД бор қизларда (n=64) БТД йўқ (n=54) қизларга ва назорат гуруҳдаги қизларга солиштирган ҳолда, (А) мутантли аллельни учратилиши ювенил дисменореяли БТД бор қизларда ишончли равишда юқорироқ ($\chi^2 = 4,515$, $p < 0,033$, $OR \geq 2,14$). ААаллелли гомозигот генотип иштирокида ҳам учратилиши кўпроқ кузатилган ($\chi^2 = 3,718$, $P = 0,05$, $OR \geq 4,25$) (1-жадвал).

Дисменореяли қизларда жинсий стероидлар рецепторларининг бираллелли генлар полиморфизми текшируви асосида эндометрий регуляциясини ва ангиогенез бошқарувини молекуляр-генетик механизмлар бузилишидаги ролини аниқлаш натижаси шуни кўрсатди-ки, ювенил дисменореяли қизларда альфа эстроген рецепторининг мутант аллель генининг учратилиши БТД бор қизларда 1,9 маротаба ошганлиги ва I тип

коллаген полиморфизмни учратилиши соғлом қизларга нисбатан юқори фарқи аниқланган.

Ювенил дисменореяли қизларда вегетатив симптоматиканинг мавжудлигикон томирлар тонуси ва бош мия қон томирлари ҳолатининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Демак, РЭГ натижаларига кўра, бу ярим шарлараро ассимметрия, артериал қон томир тонусининг ошиши, уларнинг қон билан тўйинишининг камайиши, мия веналари тонусининг пасайиши, веналарда қон оқишининг ёмонлашиши, миянинг интракраниал томирлари

1-жадвал

Аллеллар ва генотиплар ESR1 G2014A ген ювенил дисменореяли БТД бор қизларда БТД йўқ қизларга ва назорат гуруҳдаги қизларга солиштирган ҳолда тақсимланиши

Гено-тип	ЮД+ БТД n=64	ЮД+ БТД, %	Гено-тип	ЮД БТД йўқ, n=54	ЮД БТД йўқ, %	OR	χ^2	P
G	99	77,34	G	95	87,96	0,47	4,515	0,033
A	29	22,66	A	13	12,04	2,14		
GG	44	68,75	GG	43	79,63	0,56	1,79	0,2
GA	11	17,19	GA	9	16,67	1,04	0,006	1
AA	9	14,06	AA	2	3,70	4,25	3,718	0,05

торайиши ва экстракраниал томирларининг кенгайишининг турли даражада ифодаланиши билан намоён бўлади. БТД белгилари мавжуд гуруҳ қизларида юқоридаги ўзгаришлар 2-2,5 марта кўпроқ кузатилган. 24,3% қизларда контурли ва вақтга боғлиқ РЭГ таҳлили ўтказилганда, БТД бор қизларда афзал саналувчи томирлар тонусининг турғун бўлмаганлиги номаълум вақт орасидаги тартибли кетма-кетлик кўринишида нормада, пасайган ёки ошган тонус сифатида аниқланган. Оғриқ хуружида миянинг артериал томирлари тонуси ўзгаришсиз қолган, лекин шу жараёнлар БТД белгилари мавжуд қизларда кучлироқ намоён бўлган. Демак, БТД ва ювенил дисменореяли қизларда артериал қон қўйилиш ва венадан қон оқиш орасидаги номувофиқлик ҳайз пайтида бош оғриғига олиб келади.

Диссертациянинг «Ювенил дисменореянинг биохимик хусусиятлари ва уларнинг клиник белгилар билан боғлиқлиги» деб номланган тўртинчи бобида оғирликнинг турли даражадаги ЮДли қизларда бириктирувчи тўқиманинг ҳолати коллаген парчаланишида ҳосил бўладиган маҳсулот – оксипролин миқдори сийдикда аниқланиши орқали баҳоланиши ўтказилган (Шараев П. Н. ва ҳаммуал., 1990). Текширилганлар сийдигидаги оксипролинни аниқлаш усули 88,2% сезувчанлик ва 96% ўзига хослик аниқланди, PPV=98%, NPV=59,7% (2-жадвал).

ЮД ли қизларда БТД мезонларга боғлиқ ҳолда суткали сийдикдаги оксипролин миқдори (мкмоль/сут) ДСТ, $M \pm m$

Гуруҳлар	Оксипролин миқдори, мкмоль/сут		
	озод	Пептид-боғланган	Оқсил-боғланган
Соғлом, n=25	18,4±1,34	155,7±13,6	8,4±0,63
ЮД БТД йўқ			
енгил, n=10	18,81±0,30	156,63±0,16	8,33±0,26
ўрта, n=31	18,42±0,27	155,81±0,24	8,32±0,23
оғир, n=15	17,82±0,35	156,33±0,37	8,11±0,35
ЮД БТД бор			
енгил, n=24	26,02±0,96 ^{а,б}	163,64±0,97 ^{а,б}	8,45±0,55
ўрта, n=100	34,54±1,07 ^{а,б}	167,33±0,92 ^{а,б}	8,20±0,63
оғир, n=50	57,83±0,88 ^{а,б}	171,06±0,97 ^{а,б}	8,82±1,51


Изоҳ: а – фарқлар соғлом қизлар гуруҳига нисбатан аҳамиятли, б – фарқлар ЮДли БТД йўқ қизлар гуруҳига нисбатан аҳамиятли ($P < 0,05$).

Бу борада ўтказилган текширувлар БТДли қизлардаги дисменорея қанчалик оғир бўлса, оксипролин кўрсаткичлари шунчалик баланд бўлишини, БТДсиз қизлар сийдигидаги оксипролин миқдори бўлса сезиларли ўзгаришларга эга бўлмаганлигини кўрсатади. Дисменореяли қизларда БТД мезонлари қанча кўп бўлса, дисменорея оғирлик даражаси юқори бўлишини ва бу уларда сийдикдаги оксипролин экскрецияси ошишини аниқлайди.

Оксипролин экскрецияси ва ЮД даражалари ўртасидаги корреляцион таҳлил эркин оксипролин миқдори ($r=+0,84 \pm 0,25$, $p < 0,02$) дисменореянининг оғирлик даражаси орасидаги кучли мусбат корреляция мавжудлигини кўрсатади. Суткалик сийдикда оксипролиннинг юқори кўрсаткичларининг аниқланиши организмда коллагеннинг кучли парчаланиши ҳисобланади (1-расм).


Дисменорея, асосида туғма ёки орттирилган давомий хужайра ичи магнийнинг етишмаслиги бўлган БТДнинг кўринишларидан бири ҳисобланади, уни аниқлаш учун ҳайз циклининг иккинчи фазасида, ҳайздан олдинги кунларда, асосан ҳайз циклининг 25-28-кунлари қон таркибида магний миқдорини аниқлаш орқали ўргандик. Бу эса бачадоннинг бойлам аппарати таркибига кирган ва кичик чанок аъзоларини қоплайдиган бириктирувчи тўқиманинг таркибий қисми ҳисобланиб, коллагеннинг кучли парчаланишидан маълумот беради.

Қизлардаги дисгормонал ҳолат уларнинг стероид профилида ўз аксини топади. Шу боис ювенил дисменорея билан ҳасталанган қизларнинг стероид профилини ўрганиш ҳайз циклининг иккинчи фазасида, (ҳайз циклининг 25-28-кунлари) ҳайз циклидан олдинги гормонал ҳолатни баҳолашда ўтказилади.




1-расм. Бириктирувчи тўқима дисплазиясига оид қон зардобидаги магнийнинг (ммоль/л) дисменореяли қизларда миқдори.

Қон зардобида прогестерон ва эстрадиол миқдорини, шунингдек, ҳайз циклининг иккинчи фазасида оғриқ рецепторларини блокловчи овариал опиодларнинг ўсишида муҳим роль ўйновчи эстрадиол ва прогестероннинг ўзаро муносабатини аниқладик(2-расм).



2 - расм. Асаб тизими шаклига боғлиқ ҳолда БТД-йўқ (а) ва БТД-бор(б) бор дисменореяли қизлардаги эстрадиол миқдори.

Бирламчи дисменорея билан қизларнинг гормонал профили таҳлили гипопрогестеронемиянинг маълум ролини ва эстрадиол:прогестероннингўзаро муносабати пасайишини кўрсатди. Оксипролинурия ва гипомагниемия ифодаланишида намоён бўлувчи бирлаштирувчи тўқима дисплазияси белгиларининг мавжудлиги дисменореянинг авж олишига сабаб бўлувчи дисгормонал бузилишларни кучайтиради (3-расм).




3 - расм. Асаб тизими шаклига боғлиқ ҳолда БТД-йўк (а) ва БТД бор(б) дисменореяли қизлардаги прогестероннинг миқдори.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда магнийни ювенил дисменореяни ривожланишидаги роли аниқланди(4-расм). Агар енгил даражали дисменореяда стероидли жинсий гормонлар миқдори сезиларли ўзгармаса, дисменореянинг ўрта даражасида эстрадиол миқдорининг нормада сақланишида гипопрогестеронемияни ва оғир даражали дисменореяда – ҳар иккала гормонлар миқдорининг пасайишини кузатдик. Бу ўзгаришлар ВАТ турига боғлиқ бўлиб, бир-бирини бошқариб туради. Шу билан бирга текширилган бирламчи дисменореяли қизларда гормонал дисбаланс гипوماгнемия билан корреляция қилинади.


Дисменореянинг оғирлик даражаси ва прогестерон миқдори орасида ($r=-0,98\pm0,1$, $p<0,01$) ҳамда эстрадиол миқдори билан ($r=-0,92\pm0,1$, $p<0,01$) дисменореянинг оғирлик даражаси ўртасида кучли қайталанувчи корреляция аниқланган.

БТД белгиларисиз дисменореяли қизларда патологик жараён оғирлашган сари қон зардобиди прогестерон миқдори ва Э/Пнинг секин-аста пасайиши ва ВАТ тури симпатик турга мансублиги аниқланди. БТД белгилари билан ювенил дисменореянинг кечиши оғир даражали бирламчи дисменорея ва Э/П ўзаро муносабатининг пасайишида авж олувчи гипопрогестеронемия ва гипопрогестеронемиянинг устунлиги аниқланди.



4 - расм. Ювенил дисменореяни ривожланишида магнийнинг роли.

Аниқланган ўзгаришлар бирламчи дисменореянинг оғирлик даражасига, гормонал ўзгаришларга, гипомагниемия ва оксипролинурияга, асосан БТД белгиларининг мавжудлигига боғлиқ (5-расм) даволашда мукаммаллашган ёндашув талаб қилинади.



5-расм. БТДси йўқ-(а) ва БТДси-(б) бор ювенил дисменореяли қизлардаги оксипролинни суткали экскрециясининг қондаги магний, эстрадиол ва прогестерон миқдорининг узвий боғлиқлиги

Олинган натижаларга асосланиб, бирламчи дисменореянинг қиёсий ташҳислаш алгоритмини ишлаб чиқдик. Ювенил дисменореяни ташҳислаш учун таркибида гранула (кукун) кўринишидаги тез эрийдиган модда нимесулид (100 мг) дан иборат препаратини НЯҚП қўлладик, унинг таъсири яллиғланиш ўчоғида простагландинлар синтезини бошқарувчи изофермент – ЦОГ-2нинг ингибирланиши билан боғлиқ бўлиб, кукун навбатдаги ҳайз циклидан 3 кун олдин ва 3 кун ҳайз циклида 2 маҳал овқатдан кейин биттадан қабул қилинади. Унинг оғриқ синдромига таъсири билан бирламчи дисменореянинг қиёсий ташҳисини ўтказиш мумкин. Демак, препарат

истеъмол қилингандан сўнг биринчи 3 соатда оғриқ пасаяди ва оғриқ белгилари тез йўқолади, кейинги кунларда эса препарат таъсирининг сақланиши идиопатик простагландинемияни кўрсатади.

БТД ташҳиси учун коллаген парчаланишининг кўрсаткичи— оксипролин экскрециясини ва коллаген синтези стимулятори — магнийни аниқлашни таклиф қилдик ҳамда бу кўрсаткичлар ва дисменореянинг оғирлик даражаси ўртасида тўғри корреляция борлигини аниқладик. Бунда гипомагниемия ва дисгормонал силжишлар орасида, айниқса, БТД мавжуд бўлганда боғлиқлик борлиги аниқланди. Олинган натижаларга асосланиб, бирламчи дисменореянинг оғирлик даражаларининг баҳолаш мезонлари ва уларнинг ташҳислаш алгоритмини ишлаб чиқдик.

